

ЮРТИМИЗДА МЕВА-САБЗАВОТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июль куни мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси салоҳияти юқори. Сўнгги уч йилда 250 минг гектар пахта ва галла ери қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилди. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди, эскирган 107 минг гектари янгиланди. 1 миллиард долларлик 1 минг 500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Шу ойда Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО Кенгаши аъзолигига сайланди. Бу — миллий ва минтақавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблағ жалб қилиш учун катта имконият.

Маҳсулотларимиз табиий ва ширин бўлгани учун чет элларда жуда қадрланади. Ташқи бозорларда “Ўзбекистонда етиштирилган” деган бренд шаклланган. Айниқса, қурилган олхўри ва ўрик, шафтоли, майиз, гилос, дуккакли маҳсулотлар экспорти бўйича юртимиз дунёда юқори ўринларда туради.

Жорий йилнинг 6 ойда озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион доллар бўлди. Экспорт географияси 16 та давлатга кўпайди.

Шу билан бирга, дунёдаги вазият қалтис бўлиб борапти. Об-ҳаво инжиқликлари кўпайиб, одатий ҳолга айланмапти. Бундай шароитда ҳар бир экспорт бозори ўта муҳим.

Лекин ҳамма жойда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Масалан, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг суръати бўйича бошқа ҳудудлардан ортда қолган. Навоий вилояти эса ўтган йилги кўрсаткичларига ҳам етмаган. 21 та туманда экспорт ўтган йилга нисбатан 70 фоизга ҳам бормаган.

Ёки бу йилги мева-сабзавот экспортининг 80 фоизи факатгина 5 та давлатга бўлган. Буюк Британия, Италия, Швеция, Япония, Ҳиндистон, Қатар каби талаб юқори ўлкаларга экспортимиз кам. Хориждаги элчиона ва консулхоналарнинг бу борадаги ўрни сезилмаётгани, савдо маслаҳатчиларининг фаолияти суст экани қайд этилди.

Йиғилишда шу каби камчиликлар таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва экспортни ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Бу иқтисодий хавфсизликнинг устувор йўналиши экани таъкидланди. Шу боис, об-ҳаво ва шароитга мослашиб, иссиқ ва совуққа, сувсизликка чидамли маҳсулотлар етиштиришга ўттиш зарурлиги айтилди.

Ҳудудлар кесимидаги таҳлиллар асосида экспорт бўйича янги захира ва имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Соҳа мутасаддилари ҳалигача эскича ишлаётгани оқибатида ўтган йили мева-сабзавот экспортининг 75 фоизи май-октябрга, яъни жаҳон бозори маҳсулотга тўйинган даврга тўғри келган. Қимматроқ сотиш ва мунтазам етказиб бериш учун эса қайта ишлашни ривожлантириш керак.

Масалан, илгор тадбиркорлар олчани “шок” усулида музлатиб, қишда сотишни бошлаган. Юртимизда етишмагани учун қўшни давлатлардан олиб келиб, реэкспорт ҳам қилган. Шулардан келиб чиқиб, дала четида экспортбоп маҳсулотлар, хусусан, олчани кўпайтириш зарурлиги айтилди.

Бу йил ҳудудларда 16 та замонавий қадоқлаш корхонаси ишга тушди. Лекин бу ҳали етарли эмас. Экспортга кетаётган мева-сабзавотнинг 18 фоизи замонавий қадоқланяпти, холос. Шунинг учун йил якунигача яна 15 та корхона ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Энг катта экспорт захираларимиздан бири — дуккакли маҳсулотлар. Хар йили 450 миллион долларлик ловия, мош, тарих ва нўхат экспорт қилиняпти. Лекин ишчи кучи етишмагани учун ҳосилининг 30 фоизи тўқилиб, исроф бўляпти, катта миқдорда экспорт имконияти бой берилляпти.

Ривожланган мамлакатларда фермерлар дуккакли экинларни махсус комбайнларда йиғиштиради. Шу боис, Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан бундай техникаларга 15 фоизгача субсидия бериш белгиланди. Кредит ставкасининг 10 фоиздан ошган қисми ҳам қоплаб берилади.

Шунингдек, экспортчиларга ташвиш харажатларини қисқартириш учун божхона режимида қайта ишланган маҳсулотни исталган постдан экспорт қилиш имкони берилади.

Бугунги кунда янги боғлар барпо қилиш ва эскиларини янгилаш учун 350 миллион дона серхосил ва экспортбоп мева кўчатларига эҳтиёж бор. 16 та туманда ташкил этилган “Агростар” компаниялари шу мақсадга қаратилган. Улар ишни, аввало, шундан — уруғ, кўчат ва ўғитдан бошлаши кераклиги таъкидланди.

Шу боис, “Агростар” компаниялари учун “in vitro” лабораториялари, мазкур туманларда сақлаш, қадоқлаш, саралаш ва қайта ишлашни ўз ичига олган замонавий агромажмуалар барпо этиш бўйича топшириқ берилди.

Юртимизда 5 минг 100 гектар иссиқоналар бўлиб, сўнгги етти йилда уларда етиштирилаётган маҳсулот ҳажми 110 минг тоннадан 546 минг тоннага кўпайган.

Лекин тадбиркорлар кредит юки оғирлиги, ўғит нархи қимматлиги, узлуксиз газ таъминоти йўқлиги сабабли қийинчиликка учрамоқда. Хусусан, 600 гектардан ортиқ майдондаги иссиқона фаолиятини тўхтатган, 128 гектари қарздорлик сабабли банк тасарруфига ўтган.

Шу боис, иссиқона хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Эндиликда ички бозор билан бирга экспортга ҳам маҳсулот етиштириш мажбуриятини олган, табиий газда ишлайдиган иссиқоналарга қишқи мавсумда газ кафолатли ҳажмда берилади. Қўмир ёки бошқа муқобил ёқилғига ўтган ҳамда экспорт мажбуриятини олган иссиқоналарга ҳам табиий газга қайтиш имкони яратилади.

Айланма маблағ етарли бўлиши учун олдиндан тўлов октябрь-март ойларига 50 фоиз қилиб белгиланади. Бунда иссиқоналар газ корхоналари билан 1 октябргача шартнома имзолайди.

Қўмир ёки бошқа муқобил иситиш тизимида ўтган иссиқоналарга ажратилган кредит муддати узайтирилади. Иссиқлик насослари технологияси асосида иссиқона ташкил қилганларга харажатларининг 20 фоизгача қисми, бу ишлар кредит ҳисобидан бўлса, кредит ставкасининг 4 фоизи қоплаб берилади.

Яна бир янгилик — бундан буён иссиқоналар, тоифасидан қатъи назар, ер солигини

қишлоқ хўжалиги ерлари ставкасида тўлайди. 2028 йилга қадар иссиқона ишчилари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилади.

Солиқ қўмитасига иссиқоналардан қисқартирилган газ қайси соҳаларга йўналтирилгани ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш вазифаси топширилди. Агар у тармоқда қўшилган қиймат кам бўлса, газ иссиқоналарга йўналтирилади.

Экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент вилоятидаги иссиқоналар фаолиятининг ҳаво сифатига салбий таъсири билан боғлиқ муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Ҳозиргача 224 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган яхши самара берди. Бунинг натижасида 420 миллион куб метр сув иқтисод қилиниб, қўшимча 65 минг гектарда мева-сабзавот етиштириш имконияти яратилди. Бунинг учун ўтган йили 2,6 триллион сўм, жорий йил эса 1,2 триллион сўм сарфланди.

Йил якунигача яна 10 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб сугоришни йўлга қўйиш, 200 минг гектарни лазерли текислаш режалаштирилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бунинг учун 500 миллиард сўм маблағ ажратили, келаси йил дастури учун 2 триллион сўм ресурс шакллантириш топширилди.

Маълумки, яқинда дала четига экин экиш, кооперациялар бўйича қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Сув кодексининг қабул қилингани сув танқислиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ишларни давом эттириб, қишлоқ хўжалигида даромадни ошириш, экспортни рағбатлантириш, илгор стандартларни жорий этиш бўйича ҳам қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ҳукуматга экспортчи, иссиқхоначи ва мева-сабзавот етиштирувчилар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиб, давлат идораларига боғлиқ барча муаммоларини аниқлаш, уларни жойида ҳал қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда тадбиркорларнинг намунали тажрибалари кўриб чиқилди, мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ АҲОЛИНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧНИ ОШИРМОҚДА

Давлатимиз раҳбарига Самарқанд вилоятидаги ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар юзасидан ахборот берилди.

Самарқанд аҳоли сони ва ўсиши бўйича республикамизда энг йирик ҳудуд ҳисобланади. Бу янги уй-жойлар, инфратузилма, иш ўрни, таълим ва тиббиётга талаб ошади дегани. Сўнгги саккиз йилда вилоятда 1 минг 132 та кўп қаватли уй қурилиб, 56 минг оиланинг турмуш шароити яхшилланган. Мактабгача таълим қамрови 21 фоиздан 73 фоизга, олий таълимда 10 фоиздан 45 фоизга етган.

Иқтисодиётда тўқимачилик, металлургия, электр техникаси, қурилиш материаллари, туризм жадал ривожланмоқда. Бунёдкорлик, йирик лойиҳалар ва юқори даромадли иш ўринлари аҳолининг эртанги кунга ишончини оширмоқда.

Вилоятда камбағаллик даражаси йил бошидан бери 7,5 фоиздан 6,4 фоизга камайган. Йил якунигача 150 минг одамни ишга жойлаб, 90 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган.

Ўтган саккиз йилда ҳудудда саноат маҳсулотлари 1,7 баробар ўсиб, ҳозирда 45 триллион сўмдан ошган. Лекин бу натижаларнинг 37 фоизи Самарқанд шахрига, 23 фоизи Жомбой, Самарқанд ва Ўرғут туманларига тўғри келади. Қўшработ, Пайариқ ва Нурободда саноат нисбатан ривожланмаган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳам “Ислохотлар

штаби” тузилди. Тақдиротда тадбиркорларнинг тақлифлари асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Масалан, Нуробод туманида 115 гектар майдонда махсус саккиз йилда вилоятда 1 минг 132 та кўп қаватли уй қурилиб, 56 минг оиланинг турмуш шароити яхшилланган. Мактабгача таълим қамрови 21 фоиздан 73 фоизга, олий таълимда 10 фоиздан 45 фоизга етган.

Иқтисодиётда тўқимачилик, металлургия, электр техникаси, қурилиш материаллари, туризм жадал ривожланмоқда. Бунёдкорлик, йирик лойиҳалар ва юқори даромадли иш ўринлари аҳолининг эртанги кунга ишончини оширмоқда.

Вилоятда камбағаллик даражаси йил бошидан бери 7,5 фоиздан 6,4 фоизга камайган. Йил якунигача 150 минг одамни ишга жойлаб, 90 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган.

Ўтган саккиз йилда ҳудудда саноат маҳсулотлари 1,7 баробар ўсиб, ҳозирда 45 триллион сўмдан ошган. Лекин бу натижаларнинг 37 фоизи Самарқанд шахрига, 23 фоизи Жомбой, Самарқанд ва Ўрғут туманларига тўғри келади. Қўшработ, Пайариқ ва Нурободда саноат нисбатан ривожланмаган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳам “Ислохотлар

Халқлар дўстлиги

ХАЛҚПАРВАРЛИК ҚУЁШИДАН ТАФТ ОЛИБ ҚАЛБЛАР ҚЎР, КЎНГИЛЛАР СУРУРГА ТЎЛМОҚДА

Дўстлик — қудратли куч. Ҳамжиҳатлик, тотувлик, бағрикенглик билан юрт обод. Бугун ўзаро миллий ва этник низолар, диний, ҳудудий келишмовчиликлар кучайган беқарор дунёни қурол ёки куч эмас, инсонлар, миллатлар, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик сақлаб қолиши мумкин.

Шу нуқтан назардан, давлатимиз раҳбарининг фақат ён қўшнилари эмас, глобал миқёсда ўзаро ишончли алоқаларни, ҳамкорликни ривожлантиришда узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати қўллаб халқлар билан дўстлик ришталари мустаҳкамланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Президентимиз ташаббуси асосида Миллатлараро муносабатлар ва

хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита томонидан жорий йил 25-31 июль кунлари юртимиз бўйлаб юксак савияда ўтказилаётган “Дўстлик” фестивали мамлакатимизда тинчлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик энг олий қадрият эканини намоийиш этмоқда.

Давоми 2-бетда

“SEA BREEZE UZBEKISTAN” — БАРҚАРОР ЭКОТУРИЗМ РАМЗИ

ЧОРВОҚ ЭКОЛОГИЯСИНИ АСРАБ ҚОЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, замон талабларига мос инфратузилма яратиш борасида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2024 йилда 2017 йилга нисбатан ишга туширилган инвестиция лойиҳалари қиймати қарийб 8 баробарга, иш ўринлари сони эса 2,6 баробарга ошди. Умуман, сўнгги 8 йил мобайнида инвестиция дастурлари доирасида қарийб 100 миллиард долларлик 96 мингдан зиёд лойиҳа ишга туширилиб, 1,8 миллионга янги иш ўрни яратилди.

Бу бир қарашда оддий рақамлар, сизу бизга ҳеч бир дахли йўқдек гўё. Аслида, ҳар бир рақам, ҳар бир лойиҳа ортда юзлаб, минглаб янги иш ўринлари, демакки, бир неча миллион нуфусли юрдошларимизнинг даромадли меҳнат билан банд бўлгани турганини, унинг ортдан шунча оилаларга фаровонлик инаятгани, орзу-умидлари ушалаётгани, асосийси, мамлакатимиз

иқтисодиёти барқарор тараққий этаётганини инобатга олсак, ушбу натижа нечоғлиқ катта аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Айниқса, бу каби ютуқларга Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёт йўли асос бўлаётгани экология соҳаси масъули сифатида мени беҳад қувонтиради.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚПАРВАРЛИК ҚУЁШИДАН ТАФТ ОЛИБ ҚАЛБЛАР ҚЎР, КЎНГИЛЛАР СУРУРГА ТЎЛМОҚДА



Бошланиши 1-бетда

Кеча фестиваль доирасида “Умуммиллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш — янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим асоси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Пойтахтимиз меҳмонлик қилган ушбу нуфузли анжуманга сенаторлар, депутатлар, миллий-маданий марказлар фаоллари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, кўплаб хорижий ташкилотлар олим ва экспертлари, мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам

табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Русланбек Давлетов ўқиб эшиттирди.

Табриқда эътироф этилганидек, юртимизда қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилма-хиллик ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, бугун — янги Ўзбекистон шароитида янгича маъно-мазмун ва аъёнларга эга бўлиб бораётгани диққатга сазовордир. Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз айна шу асосда инсон қадр ва бахти улугланидиган том маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланиб бормоқда. Ўз ҳаёти, тақдирини



Ўзбекистон билан узвий боғлаган турли миллат ва элат вакиллари юртимизда кечаётган янгилишни жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг сана муносабати билан табриғи халқимизга ўзгача шукӯҳ ва кўтаринки кайфият бағишлагани, мамлакатимизда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ишлар янги марраларни забт этишга ундаётганини эътироф этди.

Конференцияда Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси раиси Қаҳрамон Сариев

Ўзбекистон аҳли азалдан бағрикенглиги, турли миллат ва элатлар, диний конфессия вакиллари билан ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилиб келаётганини таъкидлади.

— Сўнгги йилларда миллатлараро муносабатлар, инсон қадрини улуглаш, жамият ҳаётини шиддат билан равақ топтириш борасидаги эзгу ишлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини тобора юксалтирмоқда, — деди қўмита раиси. — Халқлар дўстлиги куни мамлакатимизда бир кун эмас, балки дўстлик байрами сифатида бир ҳафта нишонланаётгани юртимизда бирдамлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга жамият, давлат ривожининг асосий жиҳати сифатида эътибор қаратилаётганини аниқлатади.

Ўзбекистон дунё миқёсида бағрикенг юрт сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Ватанимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлиб яшамоқда. 157 та миллий-маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро конференция иштирокчилари томонидан мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш борасидаги эзгу сай-ҳаракатлар юксак баҳоланди, бу борадаги эзгу ишлар жаҳоннинг кўплаб давлатлари учун ибрат экани алоҳида эътироф этилди.

Ноҳир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЎЗБЕКОНА ХАРАКТЕР ҲИКОЯМДА ЯҚҚОЛ КЎРИНАДИ

Тоуни КРЮГЕР,
Zaytra.ai онлайн маркетинг агентлиги асосчиси, Praktiks.GO иловаси ҳаммуассиси:

— Намибияда туғилганман. Болалигим Қатарда ўтган. Ўқиш ва карьера қилиш ортидан Туркия, Бахрайин, Англия ва Жанубий Африкада ҳам бир неча йил яшадим. Хўлас, бугунги феъл-атворим турли маданиятлар қорилимасидан бунёд бўлди — саҳро каби ҳадсиз сокинликда, осмонўпар бинолар совсизда, турли тилу урф-одатлар ичида ҳозирги ўзгичмани топдим. Ҳар бир кўча, ҳар бир мунолишда ўрганганларимнинг туб моҳияти инсонийликда деган хулосага келавердим. Унинг асл қўрилишини эса андижонлик йиғитга турмушга чиқиб, Ўзбекистонга келганимда кўрдим, англадим.

Бу юрт ҳақида илгари кўп нарсаси билмасдим. Шу боис, турмушга чиқишга розилик беришда жуда кўп иккиландим. Бўлгуси турмуш ўр-тоғининг оиласи бошқа миллат вакилини қандай қабул қилар экан деган ўй хавотирга солди. Шўқри, узок ўйловга зарурат қолмади — қай-нонамнинг “қизим” деб мурожаат қилишидаги самимият ичтимдаги хижоликни ювиб юборди. Ойлар давомиди ўзим қуриб олган бегоналик девори нураб кетди... Ўзбек халқининг кенгфеъллиги, ўзга элатларга муносабати шу ерда — менинг ҳикоямда яққол кўринади. Бу халқнинг қалби тоза, феълли кенг, ҳалол ва масъулиятли. Ўзбек нонини қандай сиңдириб улашса, меҳрини ҳам шундай баҳам кўради. Шу заминда фарзандли бўлдим. Ўғлим айнан шу тупроқ устида катта бўлмоқда. У Ўзбек тилида бемалол гапирди, маҳалла болалари билан бирга ўйнайди. Унинг қўйқирқиларини томоша қилиб, юрт уни бағрига олганидан миннатдор бўлман. Ўзбекистонда она бўлиш бошқача — болангизни бутун маҳалла бирга улайтиради, бу ахир ажойиб-ку!

Давлатининг миллатлараро муносабатлар бора-сидаги илоҳотларини кўриб қувонаман. Бутун корейс дўстим шу юртда ўз тилида таълим олмоқда, қозоқ қўшним ота-онасининг аъёнларини ҳеч қандай тўқсинликсиз, бемалол давом эттиряпти, Европа давлатларидан келган мутахассислар ёки талабалар ҳам бир неча ойда мослашиб кетяпти. Буларнинг барчаси сиёсий ироданинг, инсоний қадриятларнинг натижаси деб ўйлайман.

30 июль — Халқлар дўстлиги куни мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, замонавий Ўзбекистоннинг

асосий қадриятлари — тинчлик, ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик ва миллатлараро тотувликни ўзига ақс эттиради. Кўп асрлик бағрикенглик ва маданиятлараро мулоқот аъёнларига эга юртда истиқомат қилаётган мен каби ҳар бир миллат ва элат вакиллари мамлакат тараққиётига — иқтисодий, маданияти, жамият ҳаётига муносиб ҳисса қўшмоқда. “Дўстлик” фестивали эса халқлар ўртасидаги дўстлик ва ишончни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватловни мақсад қилган. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги қизгин сай-ҳаракатларнинг муваффақияти асосан мен каби бошқа миллат вакиллари ўз маданияти ва урф-одатларини сақлаб қолишига яратилган шароитларда кўринади. Бу эса жамиятда бирдамлик ва барқарорликни таъминлайди.

ТАБАРРУК ДИЁРИМИЗ РИВОЖИГА МАСЪУЛМИЗ

Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА,
Республика туркман миллий-маданий маркази раиси:

— Тинчлик, миллатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик неъматининг баҳоси йўқ. Юртимизда кечаётган янгилишни



жараёнларида миллатлараро тотувлик, ўзаро аҳиллик ва биродарлик, тинчлик гоёларини мустаҳкамлаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили 30 июлда Халқлар дўстлиги куни кенг нишонланади. Айни пайтда давом этаётган “Дўстлик” фестивали ҳам бу борадаги оқилона ҳамда узокни кўзлаган сиёсатнинг амалдаги ёрқин намунаси.

Президентимизнинг Халқлар дўстлиги куни муносабати билан йўллаган байрам табриғида бу борада бугунги манзара аниқ чизиб берилган. Унинг мазмун-моҳияти билан танишган инсон борки, Ўзбекистон нақадар бағрикенг, инсон манфаатлари бирламчи аҳамият касб этадиган мамлакат эканини теран англайди.

“Ўзбекистон фуқароси эканидан фараҳланадиган барча миллат ва конфессиялар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Конституция ва қонунларимиз талаблари асосида ҳамма жойда қатъий ҳимоя

қилиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Сиз, азизлар Ватанимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қудратини ошириш, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилиб, бутун куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингизни, касбий ва инсоний салоҳиятигизни тўла намоён этасизлар, деб ишонаман”.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ва ишончи ҳар биримизни ҳаяжонлантириб, дилларимизни фаҳр-фитҳорга тўлдирди. Биласизми, биз, мамлакатимиздаги турли миллий маданият марказлари вакиллари бир-биримиз билан доим алоқадамиз, ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга оширамиз ва бир масалада яқдлимиз: Ўзбекистонда миллий-маданий марказларнинг самарали фаолияти учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган!

Ўзбек ва туркман бир дарёнинг икки қирғоғида аҳил, иноқ яшаётган халқлардир. Тарихан бу икки эл доим дўстона алоқада

бўлган, урф-одати, аъёна ва удуми ҳам ўхшаб. Ўзбекистонда қадимдан яшаб келаётган туркманлар азалий маданияти, аъёнларини сақлаган ҳолда кўп миллатли ягона оилага уйғунлашиб кетган. Бутун Ўзбек заминиди туркман миллатига мансуб 202 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маданий марказимиз ҳамда бу миллатдошларим барча ватандошларимиз каби Бош қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва қафолатлардан кенг фойдаланиб, шу табарруқ диёр тараққиёти йўлида меҳнат қилиб, тинчлик ва хотиржамликда яшаб келмоқда.

Биз хорижий давлатлардаги конференция ва йирик тадбирларда қатнашганимизда маърузамизни, чиқишларимизни диққат билан тинглаб, Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалаларига қўпчилик ҳавас билан муносабатда бўлади. Биз билан имкон қадар кўпроқ суҳбатлашишга интилади. Эзгу ташаббусларни юксак эътироф этади. Буларнинг бари Ватанимиз — Ўзбекистонда инсон қадр, шаънини улуглаш, барча миллат ва элат, диний конфессиялар вакиллари ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш борасида юритилаётган одилона сиёсатга берилган ҳақиқий баҳодир.



миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликнинг тобора мустаҳкамланиб ва уйғунлашиб боришига, қардош ўзбек-қирғиз халқлари ўртасидаги абадий дўстлик ва изчил ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига, халқларимиз ўртасидаги адабий, маданий ва маърифий алоқаларининг бундан-да равақ топишига ўзимизнинг ҳиссасини қўшаверамиз.

ОБЪЕКТИВ ОРТИДАГИ “УМУМВАТАН” ТУШУНЧАСИ

Нуркен ТУРСУНОВ,
фрилансер:



— Ҳар йилнинг, ҳар давра учун иссиқ чой дамлаб гурунглашиш, эшик қоқиб келган меҳмонни эъзолаш, каттага ҳурмат, кичикча иззатда бўлиш қадрияти қозоқ оилаларида ҳам бор. Ўзбеклар орасида эса бу ишларнинг барчаси чин қўйилган қилинади — шу ҳолат мени доим ҳайратлантирган. Видеооператорликка қизиқшимни шу ерда касбга айлантирдим. Дастлаб кичик-кичик лавҳалар, тўй тасвирлари, кейин реклама роликларини суратга олдим. Бир неча давлатга тегишли ҳамда хусусий

телеканалларда самарали ижод қилдим. Бутун эса турли катта лойиҳаларда, мустақил медиа жамоалари билан ишлаяпман.

Ўзбекистон шаҳсан менга камера орқали назар солишининг янги усулини ўргатди. Бу ердаги одамларнинг қўзида самимият бор. Илгари ҳовлидаги ёш жувоннинг бошига рўмол боғлаб, тандирда нон ёпиши мени бунчалик илҳомлантиради деб ўйламагандим. Шу сабаб бу ерда камера ортида ишлаш чинакам завқ беради.

Ўзбекистонда санъатга жуда катта ҳурмат, эътибор бор. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтган йилларда юртимизда Халқлар дўстлиги фестиваллари доирасида ўтказилган давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар, турли миллат вакиллари китоб қўرғазмалари, фотоқўрғазмалар, халқаро конференция ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланишида яна бир муҳим босқич бўлди.

Бу юрт мени профессионализм қозонида қайнатиб, тобади, ўстирди, нон берди. Бўзболанинг Қозғистондан бошлаган сертуман йўли айнан шу ерда равшан кўринади... Янги Ўзбекистон — “умумватан” тушунчаси асосида ривожланаётган макон. Бу ерда ҳар ким — ўзбек ҳам, қозоқ ҳам, тожик ҳам, қирғиз ҳам ўзини бир бутун халқнинг кичик бўлаги деб билади. Бу эса барчага бирдек бахт, хотиржамлик бағишлайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАРГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

Мобил МАМЕДОВ,
Республика озарбайжон миллий-маданий маркази бошқаруви раиси:

— Турли миллатларнинг урф-одатлари, аъёна ва қадриятлари, тиллари бир-бирига ўхшаб, айримлари фарқлиғи мумкин. Лекин Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари мақсади бир — тинч, осойишта, хотиржам, ўзаро тотув, аҳил бўлиб яшаш.

Мамлакатимизда турли миллат вакиллари эмин-эркин истиқомат қилиб, ўз орзу-ниятларини шу заминда яшаётган барча одамлар билан, шу азиз Ватан билан рўёбга чиқармоқда. Уларнинг ўзаро аҳиллик ва бағрикенглик муҳитида яшаш бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўлишга арийди.

Аъёна ва қадриятлар, тил, урф-одатлар асраб қолиниши учун Ўзбекистонда барча шароитлар яратилган. Бу имкониятлар миллий-маданий марказлар фаолиятида



яққолроқ намоён бўлади. Марказлар иши давлатимиз томонидан тўлиқ моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Кеча 30 июль — Халқлар дўстлиги куни муносабати билан ташкил этилган фестиваль доирасида бўлиб ўтган “Умуммиллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим асоси” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этдик. Мазкур йирик тадбирда бугун дунёда кечаётган мураккаб шароитда ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш, бу борада дўстлик жамиятлари ва миллий-маданий марказлар роли ва аҳамияти, ҳиссаси атрофлича муҳокама этилди.

Шунингдек, 29 июль куни “Дўстлик” фестивали доирасида миллий-маданий марказлар павильонларининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Президентимиз ташаббуси асосида Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитига туташ ҳудудда барпо этилган ушбу файзли павильонлар миллий-маданий марказлар



Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳозир “яшил”, барқарор туризм ривожлантирилмоқда. Ҳар қандай лойиҳага биз экологик нуқтани назардан ёндашамиз. Айни дамда “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси бўйича шу жараён кетмоқда.



Азиз АБДУҲАКИМОВ, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири

Бошланиши 1-бетда

Гапни бежиз инвестиция мавзусидан бошламадик. Бинобарин, Бўстонлик туманида қурилиши мўлжалланган “Sea Breeze Uzbekistan” халқаро туризм маркази ана шундай ҳудудга иқтисодий барқарорлик, аҳолига фаровонлик, таширф буюрувчиларга мароқли ҳордиқни тақдим этувчи йирик лойиҳалардан бири.

Ҳўш, лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти қандай?

Туризм бозоридаги талаб ва таклиф номутаносиблиги

Ушбу саволга жавоб беришдан олдин лойиҳа учун мўлжалланган жой — Чорвоқ сув омбори ҳудудида мавжуд ҳолат, халқаро туризм маркази қурилиши заруратиға тўхталиб ўтсак.

2016 йилга қадар Чорвоқ сув ҳавзаси ҳудудидаги аксарият дам олиш масканлари йиллар давомида ташландиқ ҳолатга келиб қолган, эътибор қаратилмаган ва дам олувчилар учун етарли шароитлар яратилмаган эди.

Кейинги йилларга келибгина Президентимиз томонидан ҳудудни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, “Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси ташкил этилди ва бугунги кунда дирекция томонидан таширф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлашга қаратилган кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Дирекцияга раҳбарлик қилган давримда ҳудуднинг яшил қопламаларини асраб қолиш ва туристик инфраструктурасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Илгари қурилган кўпгина объектлар қайта тикланди, бир қанча объектлар хусусийлаштириш йўли орқали самарадорлиги оширилди. Бундан ташқари, “Амиссой” каби янги объектлар ҳам қурилди.

Булар нима учун керак эди? Биринчидан, бугунги кунда Тошкент аҳолиси кўпайиб бормоқда, даромадлари ошмоқда. Ўз навбатида, ёз ойларида аҳолининг дам олиш масканларига эҳтиёжи ортмоқда. Қолаверса, юртдошларимизнинг иқтисодий имконияти йилдан йилга яхшиланиб бораётгани ҳисобига кейинги пайтларда Бўстонликқа бошқа вилоятлар, шунингдек, қўшни давлатлардан ҳам таширф буюрувчилар сони муттасил ортиб бормоқда.

Иккинчидан, туризм сектори иқтисодий ўсish, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли



“Яшил” тараққиёт



“SEA BREEZE UZBEKISTAN” — БАРҚАРОР ЭКОТУРИЗМ РАМЗИ ЧОРВОҚ ЭКОЛОГИЯСИНИ АСРАБ ҚОЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

фаровонлигини ошириш учун муҳим манбага айланади. Ҳар йили Ўзбекистонликлар хорижда дам олиш учун 1 миллиард доллардан ортиқ маблаг сарфламоқда. Мамлакатимизда замонавий дам олиш масканлари тизимини кенгайтириш орқали бу маблағни сақлаб қолиш мумкин. Бу, ўз навбатида, ҳудудларни ривожлантириш, кичик бизнес, инфратузилма ва хизматлар соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Аммо бизда туризм бозори талабига яраша таклиф мавжуд эмас, чунки замонавий йирик дам олиш масканлари ташкил этилмаган. Бир нечта намунавий лойиҳалар бор, масалан, “Чорвоқ дарвозаси”, “Ugam River” ва ҳоказо.

Биргина “Чорвоқ дарвозаси” мажмуасини олайлик. Биринчи босқичи яқунланган лойиҳага кўра, мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кафе ва ресторанлар, банк офиси, автотураргоҳ бўлади. Бинолар тепасига куёш панеллари ўрнатилади. Мана шу лойиҳанинг ўзиёқ қанчадан қанча юртдошларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлаши, ҳудуд иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўиши мумкин. Бундан ташқари, Чимёнда бир кунда 6000 нафар меҳмонни қабул қилишга мўлжалланган 20 га яқин меҳмонхона қурилмоқда, мустақиллик байрами арафасида йирик туристик марказ очилиши кутилмоқда. Билдирсойда ҳам замонавий меҳмонхона қурилади. Буларнинг барчаси пировадарида мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Чорвоқни асраб қолиш имкони

Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, аҳолининг сув бўйида ҳордиқ чиқаришга талаби катта. Чорвоқ ҳудудида эса йирик туризм объекти мавжуд эмас, кичик объектлар эса талабга жавоб бермайди. Масалан, Угом дарёси ҳудудини эколопияси, ички ишлар, Миллий гвардия ҳодимлари қанчалик назоратга олмасин, одамлар дарёгача машинада борапти, сувга ҳам машинасида кирипти, овқатланипти ва чиқиндиларини сувга ташлаяпти. Бунга қарши кураш олиб бориляпти, аммо аҳвол кўпчилигимизга маълум.

Чорвоқ бўйидаги ҳолат ҳам ачинарли — бир ҳудудда ҳам ўт ёқи, ҳам овқат тайёрланипти, чиқиндилар сувга ташланипти, ҳожатхона йўқлиги ёки талабга жавоб бермаслиги ҳам салбий таъсир қияпти. Ҳалигача ягона концепциясиз, соҳа мутахассислари жалб қилинмасдан беқарор қурилишлар

кузатишмоқда. Умумий қилиб айтганда, экологияга жуда катта зарар етказилляпти. Шу ердаги аксар тадбиркорлар сувга яқин бўламан деб ноқонуний қурилмалар қурган. Тартиб йўқ, Лойиҳа зарурати шунда эдики, биз ҳақиқатан Чорвоқни экологик жиҳатдан сақлаб қолмоқчи бўлсак, балансни таъминлашимиз лозим, яъни ҳам аҳоли эҳтиёжини таъминлаш, ҳам табиатни асраб қолиш учун экологик талабларга мос келадиган дам олиш масканлари керак.

Хориж тажрибасига назар соладиган бўлсак, сув бўйида ҳеч қандай объект қурилмайди, канализацияси талабга жавоб бермаган объектларга умуман рухсат берилмайди. Ўзимизда ҳам шу тартибни жорий қилишимиз, замонавий пляжлар яратишимиз керак.

Бу борада тажриба тариқасида бир қанча ишлар қилинмоқда. Жумладан, Навоий виллоятидаги Тўдакул кўлида замонавий, экологик талабларга жавоб берадиган масканлар қурилмоқда. Шунингдек, Айдар-Арнасой кўллар ҳудудида ҳам замонавий, сувдан анча узоқроқда бўлган инфраструктура барпо этиляпти: замонавий меҳмонхоналар, канализация тизимлари, туристик мажмуалар қуриляпти.

Юқорида қайд этиб ўтилган заруратдан келиб чиқиб, Чорвоқда ҳам шу ишларни қилишимиз лозим. Бу бизга нима беради? Биринчидан, аҳолини даромадли иш билан таъминлаш масаласи ечилади. Зеро, лойиҳа мўлжалланган ҳудудларда яшовчи кўплаб инсонлар ишлаш учун чет элга кетади. Уларни юртимизда, ўзи туғилиб ўсган қишлоқда иш билан таъминлаш муҳим, албатта.

Иккинчидан, лойиҳа доирасида икки қишлоқ ўртасида кўприк қурилади, транспорт хизмати яхшиланади, ҳудуд ривожлантирилади. Учинчидан эса Тошкент катта мегаполис, хорижлик туристлар сони ҳам ортмоқда. Бу каби йирик лойиҳаларни амалга ошириш орқали эса уларга замонавий, экологик мезонларга мос дам олиш маскани таклиф қилишимиз мумкин бўлади.

Шу ўринда яна хориж тажрибасига эътибор қаратсак. Швейцариядаги кўллар атрофида бир қанча чиройли дам олиш оромгоҳлари барпо этилган. Лекин у ердаги аҳоли, экофаоллар ёки бошқалар буларни бузиш керак демайпти. Швейцариядаги кўлларни кўрганман, бемалол сувидан ичса бўлади, ваҳоланки, атрофида йирик-йирик шаҳарлар бор. Лекин у ерда аҳоли томонидан табиатни асрашга жиддий эътибор қаратилган, замонавий канализация тизимлари тартибга солинган.

Аслини олганда, инсониятнинг ҳар қандай фаолияти экология учун хавф туғдириши мумкин. Аммо муҳими шу хавфни тўғри бошқаришдир. “Бўлди, бу хавфли экан”, деб воз кечгандан кўра вазиятни тўғри бошқарсак, бундай лойиҳалар ҳисобига кўплаб инсонлар иш билан таъминланади, инфратузилма яхшиланади.

Маҳаллий аҳоли иш ўринлари яратилиши ва инфратузилма яхшиланишига умид қилмоқда

Маҳаллий аҳоли агар лойиҳа тасдиқланиб, қурилиш ишлари бошланса ва янги дам олиш маскани барпо этилса, қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли ишлаш учун чет элларга кетмасдан иш билан таъминланиши, шу билан бирга, чет элга кетган кўплаб юртдошларимиз ўзимизда ишлашни маъқул қўриб, оиласи бағрига қайтишини таъкидламоқда. Ёшларнинг фикрича, халқаро

Чорвоқ ҳозиргидек барча учун пуллик ёки ёпиқ жой бўлиши керак эмас. Бу бутун мамлакат учун дам олиш рамзи ва шундай бўлиб қолиши лозим. Бош режа, экологик нормалар, нархларни назорат қилиш ва сувга эркин кириш ҳудуднинг келажаги учун зарур бўлган тамойиллардир.

даражадаги дам олиш мажмуасида ишлаш улар учун қувонарли ҳолатдир.

Маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан, шунингдек, “Бурчмулла, Яккатут ҳудудларида инфратузилма яхши эмас”, “Йўллар талабга жавоб бермаслиги туфайли туристлар бора олмайдилар”, “Бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа айланма йўллар орқали бориш керак, агар икки қишлоқ орасида кўприк қурилса, анча қулай бўларди”, “Канализация тизимини яхшилаш керак” каби фикрлар билдирилди. Айрим фуқаролар кўзда тутилган лойиҳа чет элдан катта миқдорда инвестиция киритилишига сабаб бўлишини таъкидламоқда. Улар Чорвоқда қурилган дам олиш маскани ўзимизда қолиши, инвестор уни кўтариб олиб кетмаслиги, халқимиз Дубай ёки Туркияга дам олишга кетганидан кўра, ўзимизда мароқли ҳордиқ чиқаргани маъқуллиги, юртимизда чет элдан қилиш-майидиган дам олиш масканлари бўлиши фойдали экани каби фикрларни ҳам билдирди.

Бош режа ва қурилиш мумкин бўлмаган ҳудудларга мораторий

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳозир “яшил”, барқарор туризм ривожлантирилмоқда. Ҳар қандай лойиҳага

2025 йил 31 июль, 155-сон



маъқул жиҳати, у ерда концепция шундан иборатки, қурилиш қилишдан олдин **ҳудуднинг яшил карқаси** яратилган, яъни тегишли йўлақлар, қуриладиган бинолар атрофида дарахтлар экилган, қурилишгача яшил ҳудуд барпо қилинган. Бинолар уч йиллик бўлса, дарахтлар 10 йиллик. Бу жуда яхши амалиёт, агар “**яшил карқас**” тажрибасини Ўзбекистонда ҳам қўлайдиган бўлсак, бу фақат ва фақат фойда келтиради.

Ҳали лойиҳани кўрмасдан туриб салбий фикр билдириш ва қоралаш нотўғри деб ўйлайман. Экологик вазиятни яхшилайдиган, инфратузилмани барқарорлаштирадиган, иш ўринлари яратадиган, ҳуллас, ҳам экологияга, ҳам туристларга, ҳам аҳолига, ҳам давлатга фойда келтирадиган бу каби лойиҳаларни, албатта, амалга ошириш лозим. Акс ҳолда, Чорвоқ сув ҳавзасидан бутунлай айриламиз, назоратни буткул йўқотамиз.

Экологияни сақлаб қолиш нуқтани назаридан йирик мажмуа қурилса, уни текшириш ҳам, назорат қилиш ҳам, экологик хавфларни бошқариш ва олдини олиш ҳам анча осон бўлади. Биз ўз талабларимизни қўямиз ва бу талаблар амалга оширилишини назорат қила оламиз.

Шу ўринда таъкидлаш керак, сув ҳавзасига оқова сувлар ташланишининг олдини олиш масаласи ҳам долзарб. Чорвоқда кичик-кичик объектлар бор, аммо йирик инвестициялар ҳисобига ўзини кейинчалик қоплайдиган канализация тизимини яратиш бўйича лойиҳалар йўқ эди. Ҳозир эса бу борада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан режалар тақдим этилди. Мақсад Чорвоқда ташкил этилган туризм объектлари, бу ерда яшайдиган аҳолини сифатли канализация тизими билан таъминлаш учун замонавий коммуникацияларни барпо этишдир. Бу борада “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси энг самарали танлов дейишимиз мумкин.

Барқарор туризм учун бурилиш нуқтаси

Ушбу лойиҳа Ўзбекистонда барқарор туризм учун бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Нима учун бундай дейман? Ўзбекистон туризм инфратузилмасини ривожлантиришда янги босқичга қадам қўймоқда — бу босқич замонавийлик, барқарорлик ва экологик жиҳатдан тўғри йўналишни талаб қилади. Мазкур жараённинг марказида инвестициялар, табиатни муҳофаза қилиш ва жамият манфаатлари ўртасида мукаммал мувозанатни таъминлаш туради. Шу нуқтада Чорвоқ сув омборида амалга ошириляётган халқаро туристик лойиҳа намуна сифатида бутун мамлакатимиз бўйлаб тизимли ўзгаришларнинг бошланғич нуқтасига айланишига шубҳа йўқ.

Хавфдан чўчиш эмас, уни бошқариш керак

Ҳозирги кунда Чорвоқ сув омбори жиддий экологик ва ижтимоий муаммоларга дуч келмоқда. Соҳил чизигидаги назоратсиз ва бир хил концепциясиз жадал қурилишлар, табиат ва санитария талабларининг инобатга олинмаслиги бу ҳудуднинг табиий ҳолати йўқотилишига олиб келмоқда. Кўплаб жойлар ҳусусий тўсиқлар ортида қолиб, сувга эркин кириш имкони чекланмоқда. Бу вазият экологик ва ижтимоий хавфларни кучайтиради.

Биринчи қадам, юқорида айтиб ўтганимиздек, Чорвоқ учун аниқ зоналаштириш, чекловлар ва муҳофаза чораларини ўз ичига олган Бош режа ишлаб чиқишдир. Шу билан бирга, режага мувофиқ бўлмаган ҳар қандай янги қурилишга мораторий эълон қилиниши керак.

Ҳар бир қурилиш атроф-муҳитта таъсир этувчи хавф-хатарларни ўз ичига олади. Энг асосийси — шу хавфларни бошқариш. Айни шу сабабдан ҳам “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси доирасида **Халқаро экологик кенгаш** ташкил этилмоқда. Кенгаш мустақил орган бўлиб, табиий муҳитни муҳофаза қилиш нормаларига риоя этилишини назорат қилади, экспертлик ёрдамида таъминлайди ва аҳоли манфаатларини инобатга олади.

Бу янги масъулият маданиятига қадамдир: лойиҳа нафақат чиройли, балки табиат ва инсонлар учун фойдали бўлиши керак. “Sea Breeze Uzbekistan” туризм — аниқ режалаштириш, малакали мутахассислар иштироки ва доимий мониторинг орқали атроф-муҳитта зарар етказмасдан ривожланиш мумкинлигини исботлайди.

Мухтасар айтганда, Чорвоқ ҳозиргидек барча учун пуллик ёки ёпиқ жой бўлиши керак эмас. Бу бутун мамлакат учун дам олиш рамзи ва шундай бўлиб қолиши лозим. Бош режа, экологик нормалар, нархларни назорат қилиш ва сувга эркин кириш ҳудуднинг келажаги учун зарур бўлган тамойиллардир.

Айни пайтда олдимизда муҳим танлов турибди: ё хаотик қурилиш ва табиий бойликларни йўқотиш шароитида яшашни давом эттирамиз ёки замонавий, барқарор ва ҳамма учун очик туристик тизим яратамиз.

“Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси бу фақат дам олиш маскани эмас. Бу эски ёндашувни ўзгатиришга қақирин, янги модель экологик, очик ва узоқ муддатли таклифдир. Бундай ташаббуслар мамлакатнинг туристик харитасини ўзгатириши ва ривожланиши йўлини бир неча ўн йилликка белгилаши мумкин.

Оқова тарзиди барпо этилади

Яқинда Озарбайжондаги “Sea Breeze” курорти шароитлари билан танишдик. Энг

Ҳамкорлик

Президентимизнинг июль ойи бошида Озарбайжонга ташрифи нафақат иқтисодий, балки геосиёсий нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, икки давлат ўртасида геология соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатларга мослигидан ташқари бутун Марказий Осиёда барқарор ресурс сиёсатини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Суннатилла ҒОЙИБНАЗАРОВ, Тошкент давлат техника университети декани, техника фанлари доктори

Ўзаро ҳамкорлик асосидаги геология-қидирув ишлари келгусида янги конларни аниқлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва илмий-технологик тараққиётни кучайтиришга туртки бўлади. SOCAR (Azerbaijan Republic State Oil Company) компанияси билан Ўстюрт минтақасида нефть ва газ қидирувини амалга ошириш бўйича келишув мамлакатимизнинг энергетика инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим қадам ҳисобланади.

Асосий йўналишлар

Ўзбекистон ва Озарбайжон сўнгги йилларда минерал ресурсларни қидириш ва қазиб чиқариш соҳасидаги муносабатларини фаол ривожлантиришда. Ҳар икки давлатда ҳам бой минерал ресурс базаси мавжуд бўлиб, геология соҳасидаги билим ва технологияларни алмашинуви катта аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик

қидирув ишлари самардорлигини ошириш ва соҳада рақобатбардошликни таъминлаш имконини яратди.

Мамлакатимизда геология соҳасини ривожлантириш, кон қидирув ишларини замонавий технологиялар асосида бажариш, янги минерал ресурс базаларини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда халқаро ҳамкорлик, хусусан, геология соҳасида катта тажрибага эга давлатлар билан қўшма лойиҳалар муҳим. Шу маънода, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида геология соҳасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётгани диққатга сазовор.

Техник имконият ва технологиялар алмашинуви

Ўзбекистонда Озарбайжоннинг SOCAR ва AzerGold каби етакчи компаниялари билан қўшма корхоналар ташкил этиш, геология-қидирув ва конларни ишга тушириш соҳасида тўғридан тўғри инвестиция жалб этиш муҳим стратегик йўналиш сифатида кўрилмақда. Икки давлатнинг геология хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик маълумот алмашинуви билан чекланмай, қўшма экспедициялар, илмий тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳам ривожлантирилмоқда.

SOCAR нафақат Озарбайжоннинг, балки бутун Кавказ минтақасининг энг йирик энергетика компанияларидан бири бўлиб, у геология-қидирув ишларидан тортиб, нефть ва газни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда экспорт қилишгача бўлган тўлиқ технологик занжирга эга. Бу компаниянинг чуқур қазив ва юқори босимли қатламлар билан ишлаш тажрибаси, геофизик тадқиқотлар, сейсмология ҳамда бурғилаш технологияларини қўллашдаги кўникмалари, шунингдек, инфратузилма лойиҳаларидаги салоҳияти Ўзбекистонда илмий-



технологик тараққиётни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўиши мумкин.

Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасидаги истиқболли Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудлари фаол ҳамкорлик учун алоҳида имкониятларга эга. Бундан ташқари, Навоий, Жиззах, ва Сурхондарё вилоятлари ҳам минерал ресурсларга бойлиги билан аҳамлиб туради. Айниқса, ушбу ҳудудларда олтин, мис, уран, флюорит ва полиметалллар каби стратегик аҳамиятга эга конларнинг янги захираларини излаш жуда долзарбдир. Озарбайжон геологлари билан ҳамкорликда ушбу минтақаларда қидирув ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бу жараёнда Озарбайжоннинг минерал ресурсларини излаш ва баҳолаш соҳасидаги илгор технологиялари ва кўп йиллик амалий

тажрибасидан фойдаланиш кўзда тутилган. Озарбайжон мутахассислари томонидан геофизик таҳлиллар, ядровий сейсмология, синама олиш ва минерал таркибини аниқлашдаги замонавий усуллардан кенг фойдаланиш назарда тутилган. Ўзбекистон томонидан эса олтин, кумуш, мис ва бошқа металл захираларини аниқлаш учун геофизик ва геохимиявий усуллари жорий этиш борасида ишлар олиб борилмақда.

Геофизик тадқиқотларда замонавий ускуналар, масофадан зондлаш (дронлар, сунъий йўлдошлар) технологиялари, геомаълумотлар базасини яратиш каби янги йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш имконияти мавжуд. Озарбайжон 3D геологик моделлаш ва нефть қидируви соҳасидаги инновацион ечимларини тақдим этиши мумкин.

Илмий салоҳият ва кадрлар масаласи ҳам устувор

Геология йўналишидаги ҳамкорлик фақат минерал ҳомаёш қидируви билан чекланиб қолмаяпти. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида кадрлар тайёрлаш, илмий йўналишлар ва академик алмашинувини ўз ичига олган кенг қамровли дастурлар шаклланимоқда. Жумладан, Тошкент давлат техника университети ҳамда Озарбайжон давлат нефть ва саноат университети ўртасида талабалар ва тадқиқотчиларни ўзаро алмашишга қаратилган ҳамкорлик дастури амалга оширилляпти. Ушбу ташаббус доирасида ўнлаб ёш мутахассислар геология ва тоғ-кон ишлари соҳасида юқори малакали профессор-ўқитувчилардан таълим олиш ва халқаро тажрибага эга бўлиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, томонлар геология соҳасидаги долзарб муаммоларни биргаликда ўрганиш ва қўшма илмий мақолалар чоп этиш орқали икки мамлакатнинг илмий салоҳиятини интеграциялашни мақсад қилган. Илмий ҳамкорлик доирасида 2026 йилда Тошкент шаҳрида “Минерал ресурсларни ўрганиш: илмий ёндашув ва инновациялар” мавзусида халқаро конференция ўтказиш режалаштирилган. Ушбу нуфузли тадбир янги қидирув ишлари самардорлигини ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва кадрлар салоҳиятини тўлиқ намоеъ қилишга кўмаклашади.

Рақамли технологиялар ва инновация

Жаҳон амалиёти далолат бермоқдаки, геология ва минерал ресурсларни бошқариш соҳасида рақамли технологияларни қўллаш нафақат иш самардорлигини оширади, балки қарор қабул қилиш жараёнида аниқлик ва ишонч

“ДОЛЗАРБ 90 КУН” ЛОЙИҲАСИ МАВСУМИЙ ТАДБИР ЭМАС

У ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ИҚТИДОРЛИЛАРНИ КАШФ ЭТИШ ВА ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ҚАТЛАМИГА АЙЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВДИР



Жамшид ШОНАЗАРОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ҳайрли ташаббус

Лойиҳа доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни соғломлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг кўламли мақсадли ишлар қилинмоқда. Спорт мусобақалари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи марафонлар, маданий-маърифий тадбирлар, театр ва кино кечалари, китобхонлик акциялари ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларни ижтимоий фаолликка ундашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шахрисабз давлат педагогика институтида ҳам ушбу лойиҳа доирасида ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига хизмат қилувчи кўплаб ташаббускор гуялар амалга оширилляпти. Институтда таълим олаётган талабалар билан бир қаторда уюшмаган ёшларни ҳам

қамраб олиш мақсадида турли йўналишлардаги тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди. Хунармандлик, амалий санъат, мусиқа, спорт, хорижий тилларни ўқитиш курслари ҳамда ахборот технологияларида оид тўғарақлар мунтазам фаолият юритмоқда. Улар ёшларга нафақат янги кўникма ва билим бериш, балки касб-хунар ўрганиш, мустақил фаолият юритиш қобилиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Тўғарақлар фақат институт талабалари эмас, балки олийгоҳ атрофидаги маҳалла ёшлари учун ҳам фойдали бўлаётгани эътиборга молик. Айниқса, талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли

ўтказиш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва келажақ касбига йўналтириш борасидаги ташаббуслар муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла ёшларининг санъат, спорт, IT соҳага қизиқишини ошириш, интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида машғулотларга институтнинг тажрибали устоз-мураббийлари жалб этилган. Шу билан бирга, бу фаолият орқали ёшлар ўртасида ижтимоий масъулият ҳисси, жамоавийлик, миллий қадриятларга ҳурмат ва ифтихор, ватанга садоқат каби фазилатлар ҳам юксалмоқда. Институт ва маҳалла ўртасида

Шахрисабз давлат педагогика институтидаги бу ташаббуслар, шубҳасиз, нафақат таълим сифатини ошириш, балки ёшларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, салоҳиятини тўғри йўналтириш, ҳаётга ижобий қарашларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Энг асосийси, “Долзарб 90 кун” яширин иқтидорларни юзага чиқариб, янги гуялар сари ундамоқда. Яқин келажақда мажмур лойиҳа доирасида яна қатор янгиликлар ва ижтимоий аҳамиятга молик ташаббуслар амалга оширилиши режалаштирилган.

Талабаларнинг ўзи ҳам ёзги таълиқни беҳуда ўтказмаётгани — улар домий ишга жойлаштирилувчи, лизандаллик ва хорижий тилларни ўрганиш курсларига қатнаб, амалий кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Яна кўплаб талабалар ёзги оромгоҳларда тарбиячи сифатида фаолият юритиб, болалар билан ишлаш тажрибасини орттирмоқда. “Долзарб 90 кун” лойиҳаси фақат мавсумий тадбир эмас. У ёшлар салоҳиятини юксалтириш, янги имкониятларини очиб ва иқтидорларини камиф этиш, жамиятнинг кучли, интилувчан, фаол қатламига айлантириш йўлидаги тизимли ёндашувдир. Ушбу ташаббус доирасида ташкил этилаётган маънавий-маърифий учрашувлар, спорт мусобақалари, ижтимоий лойиҳалар, дебатлар ва маданий тадбирлар, турли кўнгилочар дастурлар орқали талабаларнинг билим ва кўникмалари оширилмоқда, шахсий салоҳияти юзага чиқарилмақда.

Лойиҳа ёшларнинг онги ва қалбида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаб, юксак ахлоқий маданиятга эга, жамоат ишларида фаол, масъулиятли шахс сифатида камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, “Долзарб 90 кун” бутун ёшлар фаоллигини ошираётган, эзгу мақсадларга илҳомлантираётган кенг қамровли ҳаракатга айланди, десак айни ҳақиқатдир. Бу эса таълим муассасаларида таълим ва тарбия бир бутун жараёни сифатида амалга оширилаётгани ҳам кўринади.

доирасида бугунги кунгача 60 дан ортқ умумтаълим мактаби кутубхоналарига ҳомийлар кўмағида ўзбек ва жаҳон адабиётининг 7 мингдан зиёд сара намунаси совға қилинди. Бу эса ўқувчи ёшларнинг дунёқараши ва маънавий оламиини бойитишга хизмат қилади.

Институт талабалари ва профессор-ўқитувчилари мактаб ўқувчилари билан турли мазмунда учрашувлар ўтказиб, бадий адабиётлар юзасидан очик мулоқотлар, ижодий учрашувлар, адабий викториналар ва “Китобхонлар клуби” машғулотларини ташкил этмоқда. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар таълим занжирининг барча бўғинларида китобхонлик муҳитини ривожлантириш, ёшлар орасида китоб мутолаасига қизиқишни кучайтириш билан бирга маънавий ва интеллектуал жиҳатдан етук шахс сифатида камол топишида кўл келди.

“Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида талабалар ва уюшмаган ёшлар ўртасида спорт мусобақаларидан ташқари тасвирий санъат, хунармандлик ва касба йўналтирувчи бошқа соҳаларда ҳам турли танлов ва тадбирлар мунтазам ташкил этилляпти.

Шахрисабз давлат педагогика институтидаги бу ташаббуслар, шубҳасиз, нафақат таълим сифатини ошириш, балки ёшларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, салоҳиятини тўғри йўналтириш, ҳаётга ижобий қарашларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Энг асосийси, “Долзарб 90 кун” яширин иқтидорларни юзага чиқариб, янги гуялар сари ундамоқда. Яқин келажақда мажмур лойиҳа доирасида яна қатор янгиликлар ва ижтимоий аҳамиятга молик ташаббуслар амалга оширилиши режалаштирилган.

Талабаларнинг ўзи ҳам ёзги таълиқни беҳуда ўтказмаётгани — улар домий ишга жойлаштирилувчи, лизандаллик ва хорижий тилларни ўрганиш курсларига қатнаб, амалий кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Яна кўплаб талабалар ёзги оромгоҳларда тарбиячи сифатида фаолият юритиб, болалар билан ишлаш тажрибасини орттирмоқда.

“Долзарб 90 кун” лойиҳаси фақат мавсумий тадбир эмас. У ёшлар салоҳиятини юксалтириш, янги имкониятларини очиб ва иқтидорларини камиф этиш, жамиятнинг кучли, интилувчан, фаол қатламига айлантириш йўлидаги тизимли ёндашувдир. Ушбу ташаббус доирасида ташкил этилаётган маънавий-маърифий учрашувлар, спорт мусобақалари, ижтимоий лойиҳалар, дебатлар ва маданий тадбирлар, турли кўнгилочар дастурлар орқали талабаларнинг билим ва кўникмалари оширилмоқда, шахсий салоҳияти юзага чиқарилмақда.

Лойиҳа ёшларнинг онги ва қалбида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаб, юксак ахлоқий маданиятга эга, жамоат ишларида фаол, масъулиятли шахс сифатида камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, “Долзарб 90 кун” бутун ёшлар фаоллигини ошираётган, эзгу мақсадларга илҳомлантираётган кенг қамровли ҳаракатга айланди, десак айни ҳақиқатдир. Бу эса таълим муассасаларида таълим ва тарбия бир бутун жараёни сифатида амалга оширилаётгани ҳам кўринади.

ДЎСТЛИК, ТАРБИЯ ВА ИЖОДКОРЛИК МАКТАБИ

Навбахор туманидаги “Шаббода” соғломлаштириш оромгоҳининг спорт майдони бугун ҳам гавжум. Сабаби оромгоҳдаги гуруҳлар ўртасида футбол турнири бўлиб ўтмоқда. Юқори кайфият, ёшлик шижоати билан вақт мароқли ўтаётди. Мусобақада ўрин олиш нисбий, муҳими аҳиллик ва дўстлик ғалабасидир.

Навоий вилоятидаги ёзги оромгоҳларда болалар таълиқни ана шундай мароқли ва мазмунли ўтказмоқда. Бунда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилляётган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасидаги тадбирлар алоҳида ўрин тутмоқда. Хусусан, ўқувчилар маданий, маърифий ва спорт тадбирларига фаол жалб қилинляпти. Бу уларнинг дам олиш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга шахсий ривожланиши, қобилиятларини намоеъ қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Албатта, соғломлаштириш оромгоҳлари шунчаки дам олиш маскани эмас, балки болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларга соғлом ва фаол турмуш тарзини ўргатиш мактаби ҳамдир. Ушбу оромгоҳлар орқали ёшларнинг билимли ва маънавий етук шахслар бўлиб вояга етишига ҳам замин яратилди. Бундан ташқари, улар оромгоҳда янги дўстлар топади, илм ва ижодга муҳаббат уйғотадиган машғулотларда иштирок этади.

Навоий вилоятида жорий ёзги дам олиш мавсумида 11 та стационар оромгоҳларда таълиқ давомида 15 мингга яқин ўқувчини қамраб олиш режалаштирилган. Таъкидлаш жоиз, “Долзарб 90 кун” тадбирларига республика бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидagi 1239 та умумий ўрта таълим мактабида кундузги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларга 170 мингга яқин ўқувчи ихтиёрий жалб қилиниши режалаштирилган. Навоий вилоятидаги 73 та умумий ўрта таълим мактаблари қoшида кундузги оромгоҳлар ташкил этилди. Кундузги оромгоҳларда мавсум давомида вилоятдаги 5 мингга яқин ўқувчи ихтиёрий равишда жалб қилиниши белгиланган. Улар ўз қизиқишлари асосида турли йўналишлардаги тўғарақларда фаол иштирок этмоқда. Ушбу мавсум давомида умумий ҳисобда 19 мингдан ортқ бола оромгоҳларга қамраб олинди.

Оромгоҳларда нафақат дам олиш, балки болаларнинг ақлий, жисмоний ва ижодий ривожланишига хизмат қиладиган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. — дейди Болалар дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Навоий вилояти бошқармаси мутахассиси Хуршид Яндашев. — Ҳар бир даврда болалар учун махсус ишлатиб чиқилган 12 кунлик намунавий дастур ва “Долзарб 90 кун” комплекс

даражасини ҳам сезиларли яхшилайдди. Айниқса, геоахборот тизимлари геологик маълумотларни йиғиш, таҳлил ва визуализация қилишда муҳим восита сифатида кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги геология соҳасидаги ҳамкорлик доирасида ушбу технологияларни жорий этиш ва кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган қатор муҳим ташаббуслар олға сурилмоқда. Хусусан, геоахборот тизими технологиялари ер қатри маълумотларини рақамлаштириш, минерал ресурслар хариталарини яратиш, қидирув ишларини лойиҳалаш ва истиқболли ҳудудларини аниқлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда Озарбайжон тажрибаси асосида геология-қидирув маълумотларини рақамли шаклга ўтказиш, геоахборот тизимлари асосида таҳлил қилиш ва улар орқали истиқболли ҳудудларни баҳолаш жорий этилмоқда. Бунда “ArcGIS”, “QGIS” ва “Surfer” каби дастурлардан фойдаланилляпти. Бу платформалар ёрдамида катта ҳажмдаги геомаълумотлар тезкор таҳлил қилиниб, юқори аниқликдаги натижага эришилди. 2024 йилда SOCARнинг Боку шаҳрида жойлашган академиясида Ўзбекистонлик 35 геолог замонавий GIS картография ва маълумотлар таҳлили бўйича махсус тренингларда қатнашди. Шунингдек, икки мамлакат мутахассислари “Каспий-Орол геологияси” қўшма илмий лойиҳаси устида ишламоқда. Лойиҳа Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги минерал конларнинг пайдо бўлиш механизмини ўрганишга бағишланган.

Айни пайтда SOCAR томонидан ишлаб чиқилган “Smart Exploration” рақамли платформаси Ўзбекистоннинг бешта стратегик кон ҳудудида синавдан ўтказилмоқда. Ушбу тизим геология-қидирув жараёнида сарф-харажатни 40 фоизгача қисқартириш ва таҳлилни аниқлигини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, 2024 йилда SOCAR томонидан 7000 метргача чуқурликда бурғиланган мўлжалланган “DepthMaster-X” сериясидаги учта замонавий бурғиллаб қўрилмаси Ўзбекистонга етказиб берилди. Бу қўрилмалар нафақат техник имкониятларни кенгайтиради, балки юқори технология тадқиқотларини амалга оширишга туртки беради.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг геология соҳасидаги рақамли ҳамкорлиги маълумотлар алмашинуви ёки тажриба ўрганишдан ташқари яқин келажақда GeoData-Bridge рақамли платформаси орқали геомаълумотларини тизимли ва шаффоф тарзда биргаликда бошқаришни ҳам ўз ичига олади.

Икки давлатнинг геология соҳасидаги ҳамкорлиги нафақат ресурсларни излаш, қазиб чиқариш, балки илм-фан, технология ва кадрлар салоҳиятини юксалтиришга қаратилган. Бу ҳамкорлик натижасида минерал ҳомаёш базаси 30 фоиз кенгайиши, 2026 йилгача 5000 дан зиёд янги иш ўрни яратилиши, давлатларнинг энергетика мустақиллиги мустаҳкамланиши кутилмоқда.

Ўзаро ишонч ва стратегик ёндашув асосида шаклланаётган бу ҳамкорлик яқин келажақда геология соҳасидаги минтақавий ҳамкорликнинг намунали моделига айланиши мумкин.



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

У ЖАСОРАТ, ВАТАНПАРВАРЛИК ЙЎЛИНИ ТАНЛАДИ

Ватан ҳимояси йўлида, ҳаёт-мамонт танловида ҳеч иккиланмасдан жонини фидо қилган жангчилар биз учун нафақат қаҳрамон, балки юртнинг озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги рамзидир. Улар эл-юртини севиш, ҳимоя қилиш ва ватанпарварлик бобида бизга намуна бўлган азиз шахслардир.

Биз уларнинг жасоратларини унутмаслигимиз, хотирасини абадий сақлашимиз, келажақ авлодга ҳам ана шу юксак туйғуларни етказишимиз зарур. Чунки ҳар бир юртимиз фарзанди она ватан ҳимоясига ҳамisha шай туриши, тинчликни қадрлаши ва керак бўлса, жон фидо қилишга тайёр бўлиши керак.

Ҳарбий хизматчи бошқа касб эгаларига қараганда юксак интизоми, ҳар қандай вазиятга доим шай туриши билан фарқланади. Шу боис, ҳарбийлар учун кундалик оддий машқми, жанговар ҳаракатми, бир-дai масъулиятли. Айниқса, ҳарбий учувчилар учун бунинг муғлақ фарқи йўқ. Шунинг учун учувчининг фаолияти осмондаги парвоз вақти билан ўлчанади.

Авиация капитани Зафар Боймуродов ана шундай ватанпарвар учувчилардан эди. 2009 йилда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини муваффақият-ли битириб, Мудлофаа вазирлигининг куруқликдаги авиация қўшинлари ҳарбий қисмида учувчи-штурман сифатида хизмат қилишни бошлар экан, курсантлик-да қабул қилган ҳарбий қасамдai оддий расмийчи-лик эмас, унинг ҳаёти мазмунига айланганини янада теранроқ ҳис этганди. У бир кун мураккаб вазиятга дуч келганида ҳеч иккиланмай ватан тинчлиги йўлида жон беришга тайёр бўлиш кераклигини ҳам доим ҳис этарди. Шундай ҳам бўлди, у жанговар топшириқни бажараётиб ҳалок бўлган.

Зафар Боймуродов бошқараётган вертолёт ҳа-вода ҳалокатга учраганда, унда ўз жонини сақлаб қолиш имконияти бўлган, аммо жасорат кўрсатиб,



қандай қилиб бўлса ҳам жанговар топшириқни ба-жарганин уйлаган.

Ҳар қандай авиаҳалокатдан сўнг унинг сабаблари мутахассислар, экспертлар томонидан чуқур ўрганил-лади. Минг метрдан юқориқоқ баландликда ҳарбий вертолёт билан боғлиқ бу ҳодисани таҳлил қилиб, тех-ник ечимини ўрганиб чиққан авиация мутахассислари учувчи ўз ҳаётини сақлаб қолиши учун тўлиқ имко-нияти бўлган, аммо у жанговар топшириқни бажариш учун бундай йўл тутмаган деган ҳулосага келди.

Бўлиб ўтган воқеадан сўнг бундай фикрни нафақат экспертлар, Зафарнинг дўстлари, ҳарбий учувчилар ҳам билдирган. Чунки уларнинг ҳар бири бундай ва-зиятда шундай йўл тутарди. Зафарни яқиндан билади-ган сафдош дўстлари воқеанинг сабаб ва оқибатлари ҳақида гапириб, “Агар у зиммасидаги топшириқни бажаришни эмас, ўз ҳаётини устуи қўйганида тирик қолиши мумкин бўларди”, деб айтган.

Чунки унинг учувчилик тажрибаси ҳам шунга да-лолат беради. Ми-8 ва Ми-171Е русумли вертолётлар-ни ҳисобланган. У транспорт вертолётларида жами 252 соат парвоз қилган. Бу парвозлар осмонда сайр эмас, балки ҳарбий ўқув машқлари, мураккаб жанго-вар вазифалар эди.

— Мен капитан Зафар Боймуродов билан беш йил давомда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида бирга таҳсил олдим, — дейди истефодаги подпол-ковник Алишер Турсунов. — Ўқиниш муваффақият-ли тамомлаб, кейинчалик ҳам у билан бирга ишлаш насиб этди. У нафақат ҳарбий ўқувда, балки иш жа-раёнида ҳам доимо бошқалар учун намуна бўлиб хиз-мат қилди. Ўзининг қатъий интизоми, масъулиятли-лиги ва фидойийлиги билан биз — ҳамкасбларини ҳар доим илҳомлантириб келган. Шу билан бирга, у доим

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинади ва муаллифга қайтарилмайдми.

Газетанинг етказиб берилиш учун обдани расмийлаштирган тахшилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер макрида сахифаланди.

Газетанинг полиграфик жахатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қарблхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Мулоҳаза

ЙЎҚ НАРСАДАН ШОВ-ШУВ

яратиш “санъати”

Камолиддин ТўРАЕВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент

Қадимда ҳам манфаатдор одамлар қайсидир гоё ва мақсадларини юзага чиқариш ёки сиёсий жараёнлардаги ўзгаришларни амалга ошириш учун оломончилик кайфиятидан устомонлик билан фойдаланган. Аввалига секин бир-икки одамга шипшитиб, шов-шув келтириб чиқаришга пойдевор қўйилган. Миш-мишлар ташийдиган алоҳида одамлар танланган ва уларга моддий рағбат эвазига ана шундай топшириқ берилган. Миш-мишлар оломончилик кайфиятидаги одамларни ҳаракатга келтирган ва фаолияти айнан миш-мишлар асосчиси бўлиш кучларининг гоёлари томон йўналтирилган. Оломон кўтарилиши яхшидан ёмон ва ёмондан яхши яратишининг энг кучли воситаси ҳисобланган.

Гоҳида бу каби миш-мишлардан бир одам, масалан, подшоҳ ёки муайян гуруҳ — сарой аҳли, дин аҳли фойдаланган. Бу каби ташвиқот усулиниро гоёлар йўлидаги курашлар қўплаб бадий асарлар, фильмларда ҳам келтирилган. Масалан, Ўйғун ва Иззат Султоннинг “Навоий” драмасида Хусайн Бойқарога ўз таъсир кучларини ошириш, бу мақсадларига тўғоноқ бўладиган вазир — Алишер Навоийни йўлларидан олиб ташлаш учун худди ана шундай усулдан фойдаланилганини кўриш мумкин. Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатларини бузишдан манфаатдор бўлган Мажиiddин ва бошқа кимсалар атайлаб воситачилар ёрдамида Навоий севган қизини подшоҳнинг ҳарамига киритади. Бу ўз-ўзидан амир ва унинг вазири ўртасига совуқчилик тушишига сабаб бўлади.

Ёки Абдулла Қодирининг “Меҳробдан чаён” романидаги воқеага эътибор беринг. Солиҳ маҳдум қизи Раънониг Анварга узатишни ихтиёр этган. Бироқ Абдурахмон мирзо ҳам Раънога ошиқ, Бундан ташқари, у ҳам мирзабоши лавозимига даъвогар. Раънога ҳам, лавозимга ҳам Анварнинг эга чиқаётгани мулла Абдурахмоннинг гашини келтиради ва Гулшан хотин орқали Раънонинг гўзаллиги дарагини хонга етказди. Мақсад аниқ, Анварнинг мирзабошиликдан туширилишига эришиш ва ўз гоёларини амалга ошириш. Албатта, мажур асарларда бадий тўқималардан фойдаланилган. Аммо ушбу асарлар бўйича тадқиқот ишлари олиб борган олимлар бадий тўқималар ҳам ҳаётий асосларга эга эканини айтди.

Аслида, биз келтирган мисоллар ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда тақдим этилаётган “драма”ларнинг примитив варианты. Бугунги аксарият “драма”лар ортида ҳам Мажиiddин ва Абдурахмон кабилар ёки уларнинг гуруҳлари мақсадига хизмат қилувчи муайян гоёлар туртибди.

Мен бекорга “аксарият” демадм. Афсуски, медиамаҳсулот яратётганлар орасида ўз махсулотларининг ҳар қандай ижтимоий-маънавий зарари, зиддиалхлқий ёки зиддитарбиявий хусусиятларини англамаган, балки англашни истамаган ҳолда, шунчаки кўнгилхушлик ва “like” ишқибозлиги ортидан фаолият юртгаётганлар ҳам бор. Ҳамма гап англамасликда. Бундайларни кўр-кўрона жарлик томони-га қадам босиб бораётган, ортидан бошқаларни ҳам эргаштириб кетаётган, ачинарлиси, шу бошқалар таркибиди ўз яқинлари ва келажақ авлод ҳам борлигини англамаётган манкуртларга ўхшатаман.

Айтайлик, қайсидир бехаё ёки шаллақиликка ҳос ҳаракатлари ортидан маблаг толиб, гўёки “кайф-сафо”да яшаётганларини кўрсатиш билан ваён яратётган аёл-қизларнинг салбий таъсирлари доирасига ўз яқинлари, қизлари, неваралари тушиши мумкинлигини нега тушунишмаяпти? Ёки яшаш тарзиро кимматбаҳо машиналари, оддийгина тугилган кунларини ҳам тўйга айлантираётганликларини кўз-кўз қилиш учун “сахна” яратётганлар ёшлар онгига моддий ва маънавий эҳтиёж ўртасида жуда катта жарлик ҳосил қилишга ҳисса қўшаётганларини, бу ёшлар эса бегона миллат эмас, айнан ўзларининг келажаги эканини билишмаядими?

Майли, энди “аксариятлар”ни қўйиб турайлик-да, маълум бир мақсад йўлида фаолият юртгаётган “катта фоизли”ларнинг махсулотларига назар ташлаб кўрайлик. Қандаи ана шундай медиамахсулотлардан бири — кичик драмага кўзим тушди. “Келинчак” тор,

остиға сиздирилишида. Яъни аввалига одамлар ёқа ушлайди, кейин “Илгари ҳам шунчақасини эшитгандим” дейди, бора-бора бу каби ҳодисага оддий ҳолат каби қараб, қўл сийтаб қўя қолишади.

Бу “ҳеч нима” ана шунда ўз кучини кўрсата бошлайди: бу каби муносабатлар кўпайиши мумкин. Чунки одамлар бу ҳолатга ўрганиб, яъни уларнинг кўзлари ҳам, қулоқлари ҳам, онглари ҳам бунга мослашиб, оддий ижтимоий-маиший воқеалик тарзида уни ўзлаштириб олган бўлади. Бу дегани ижтимоий-ахлоқий меъёрлар бузилади ёки шахсий ахлоқсизлик ижтимоийлашади ва у энди ижтимоий ахлоқсизликка айланади.

Миллий ахлоқий меъёрлар эса ҳар бир миллатда миллий қадриятлар асосида шаклланади. Бу каби қадриятлар асосланган ижтимоий ахлоқ деворларини қўлатиш осон эмас. Худди қадриятларнинг ўзи йиллар, асрлар давомида, аста-секинлик билан шакллангани каби уларнинг емирилишига қаратишган мақсадлар ҳам аста-секинлик билан амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганимиздай, тақорлашлар, қайта-қайта кўрсатишлар орқали бу каби маънавий инқирозларга жамиятда кўнкимча ҳосил қилиниб, у ижтимоийлаштирилиб бўрилади. Шу орқали бундай воқеалар кундалик ҳикояга айлантирилади ва

вакилларининг кузатувчилари ва уларнинг қўйган постларига “ёқди” белгисини қўювчилар ўша биз кўйиниб танқид қилаётган, ахлоқсиз медиамахсулотлар таъйирлаётган кишилар ёки гуруҳлариникидан ўнлаб, ҳатто юзлаб баробар кам. Бу эса жамият учун хавфли бўлган ҳолат — омма диди ўтмаслашиб бораётганидан, хатардан дарак беради. Ўша омма ҳам биз, бизнинг яқинларимиз, болаларимиз. Агар биз бундайларнинг постларини кузатмасак ва эътибордан четда қолдирсак, энг муҳими, фарзандларимизнинг медиадидини, медиаэҳтиёжини тўғри тарбиялай оласк, бу омма дидини оширишининг муҳим гарови бўлади.

Тўғри, бу осон эмас. Негаки кўрма деган нарсани кўришга, олма деган нарсани олишга одамдаги иштиёқ азалдан мавжуд ва бу унинг табииати го. Демак, тарбия усулларини, ижтимоий тарбия тизимини шундан келиб чиқиб яратишимиз ва амалга оширишимиз лозим. Қолаверса, бунда ижтимоий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мумкин ўрин тутайди.

Хуллас, йўқ нарсадан шов-шув яратётган ва миллий қадриятларимиз ўзагига чанг солаётган медиамахсулотлардан оғоҳ бўлиш миллат келажаги, ўз келажагимиз учун қайгуриш демакдир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-746. 34972 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов

Мусахҳид: Шерзод Маҳмулов

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 21:10

Тошпирилди — 01:30